

ТТЕСИ ҳүзүридаги  
тармоқ маркази

2019



# Принтмедиа технологиялари ва комплекслари

## Матбаа маҳсулотларини ишилаб чиқаришида принтмедиа технологиялар

Мазкур ўқув-услубий мажмua Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2019 йил 02 ноябрдаги 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: ТТЕСИ т.ф.н., доц. А. Буланов  
ТТЕСИ т.ф.н., И.Буланов  
ТТЕСИ кат.ўқит. А.Жалилов  
ТТЕСИ асс. О.Хақназарова  
ТТЕСИ асс. М.Абдуназаров

Тақризчилар: Хорижий эксперт Lee Min Hee Жанубий Корея  
Жонгбу университети профессори  
ТТЕСИ т.ф.д., проф. А.Рахимов

*Ўқув-услубий мажмua Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Кенгашининг \_\_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ даги \_\_ -сон қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

**МУНДАРИЖА**

---

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	7
III. НАЗАРИЙ МАШғУЛОТЛАР.....	14
IV. АМАЛИЙ МАШғУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	36
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	59
VI. ГЛОССАРИЙ .....	66
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	69

## **I. ИШЧИ ДАСТУР**

### **КИРИШ**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №797-сон Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Ушбу дастурда матбаачилик саноатида янги техника ва технологиилар, матбаачилик саноатида принтмедиа машиналари ва жиҳозлари (ракамли, офсет, флексографик ва бошқа босма усуллари машина ва жиҳозлар) уларнинг ишлаш усуллари, замонавий матбаачилик саноати корхоналаридағи техника ва технологиилар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини таҳлил қилиш ва жиҳозларига хизмат кўрсатиш жараёнлари келтирилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

Матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришида принтмедиа технологиилар **модулнинг мақсад ва вазифалари:**

**Модулнинг мақсади:** матбаачилик саноатида принтмедиа машиналари ва жиҳозлари, уларнинг ишлаш усулларини ўрганиш

**Модулнинг вазифаси:** матбаачилик саноатидаги янги техника ва технологиилар, матбаачилик саноатида принтмедиа машиналари ва жиҳозлари (ракамли, офсет, флексографик ва бошқа босма усуллари машина ва жиҳозлар) уларнинг ишлаш усуллари, ни ўрганиш, замонавий матбаачилик саноати корхоналаридағи техника ва технологиилар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини таҳлил қилиш ва жиҳозларига хизмат кўрсатиш жараёнларини ўрганиш.

## Матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришида принтмедиа технологиялар

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига кўйиладиган талаблар:**

“Принтмедиа технологиялари ва комплекслари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- матбаачилик корхоналаридаги янги принтмедиа техника ва технологияларни;
- матбаачилик саноати машина ва жиҳозлари ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолатини;
- замонавий ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланишнинг самарали усулларини **билиши** керак.

#### **Тингловчи:**

- матбаачилик саноатида инновацион техника ва технологиялардан фойдаланиш;
- маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнидаги принтмедиа машина ва жиҳозларининг долзарб муаммоларини таҳлил қилиш;
- замонавий технологик машина ва жиҳозларнинг фарқлари, афзаллик ва камчиликларини таҳлил қилиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- замонавий технологик машина ва жиҳозларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнидаги кетма-кетлик учун машина ва жиҳозлар танлаш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

- матбаачилик саноати принтмедиа машина ва жиҳозлардан фойдаланишда инновацион технологияларни амалиётда қўллаш;
- хорижий принтмедиа машина ва жиҳозларни ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Принтмедиа технологиялари ва комплекслари” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимотлар, видеоматериаллар ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

**Модулининг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модуль мазмуни ўқув режадаги “Матбаада замонавий дизайн”, “Қоғоз саноатида хом ашё ва иккиламчи ресурслардан фойдаланиш истиқболлари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг шахсий ахборот майдонини шакллантириш, кенгайтириш ва касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

**Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ҳамда таълим-тарбиянинг миллий ғоя негизларига таянган ҳолда амалга ошириш концепсиясида ўз ифодасини топади.

**Қайта тайёрлаш ва малака ошириш машғулотлари бўйича ажратилган соатлар ҳажми**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			
			Жами	назарий	амалий	машғулот
1.	Замонавий ускуналар, уларнинг тузилиши ва ўзига хосликлари ҳамда принтмедиа жараёнидаги муаммоларнинг ечимини топиш усуллари	2	2	2		
2.	Босиш ускуналари ҳаракатини бошқаришнинг назарий асослари	2	2		2	
3.	Варакли ускуналар секциясида босиш қурилмаси ҳаракатини ташкил этишининг назарий асослари	2	2		2	
4.	Рулонли ускуналарнинг бошқарув тизимлари	2	2		2	
5.	Рақамли босма ускунаси ва ризографда нусха олиш	2	2		2	
6	Соҳанинг етакчи матбаа нашриёт уйларининг замонавий технологиялари билан танишиш	6	6			6
	<b>Жами</b>	<b>16</b>	<b>16</b>	<b>2</b>	<b>8</b>	<b>6</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Замонавий ускуналар, уларнинг тузилиши ва ўзига хосликлари ҳамда принтмедиа жараёнидаги муаммоларнинг ечимини топиш усуллари.**

Босма ва электрон ахборот воситалари намуналари. Гибрид босма тизимларининг тузилиши. Босма ва электрон ахборот воситаларини ишлаб чиқариш. «Электрон» китоблар, «Электрон» бўёқ ва «Электрон» қоғоз. «Электрон» китоблар (E-Books). «Электрон» бўёқ (E-Ink), «Электрон» қоғоз (E-Paper). Бозор улуши ва ривожланиш тенденциялари.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот;**

#### **Босиш ускуналари ҳаракатини бошқаришнинг назарий асослари.**

Quickmaster 46-1; Quickmaster 46-2; GTO, Speedmaster SM 74-2Р босма ускуналари билан танишиш. “Heidelberg” фирмаси варақли ротацион босма ускуналарининг тузилиш принциплари, асосий бўғинлари ва механизмлари билан танишиш.

### **2-амалий машғулот:**

#### **Варақли ускуналар секциясида босиш қурилмаси ҳаракатини ташкил этишининг назарий асослари.**

Варақ узатиш тизимининг ишлаш принципи, тузилиши ва унинг механизмларини созлаш билан танишиш. Механизмларнинг принципиал тизмаларини чизиш. Варақ ўтказиш тизимининг амалдаги сиклограммасини аниқлаш. Механизмлар ва созлаш мосламаларининг кинематик тизмаларини тузиш.

### **3-амалий машғулот:**

#### **Рулонли ускуналарнинг бошқарув тизимлари.**

Рулонли ротацион ускуналарнинг тузилиш принциплари ва асосий бўғинларини жойлашиши билан танишиш. Ускуналарнинг вазифасини аниқлаш (маҳсулот тури, рангдорлик вариантлари, ҳажм, маҳсулотнинг оптимал адади ва х.). Ҳаракатдаги ускунада асосий бўғин ва ижрочи механизмларнинг тузилиш хусусиятларини ўрганиш. Турли моделдаги ускуналарда вазифаси бир хил бўлган механизм ва бўғинларни таққослаш ва уларнинг камчилик ва афзаллик томонларини баҳолаш.

**4-амалий машғулот:**

**Рақамли босма ускунаси ва ризографда нусха олиш.**

Контактсиз босма ускунаси ва ризографнинг назарий асоси, уларда нусха олиш жараёни ва олинган нусхаларниг сифатини назорат қилиш. Canon image RUNNER ADVANCE C7280i рақамли босма ускунаси. Riso SE 9380 ризографининг тузилиши ва ишлаш принципи. Canon ёки EFI Fiery асосидаги контроллерларни танлаш имконияти.

**Кўчма машғулот мазмуни**

“Матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришда принтмедиа технологиялар” модулида кўчма машғулотлар замонавий жихозлар билан жихозланган соҳанинг етакчи корхоналари ва матбаа нашриёт уйларида олиб борилади.

**ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**


Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий холосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (войиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

**П. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН  
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.**

**“SWOT-таҳлил” методи.**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



**Намуна:** Босма ускунасини ишга тайёрлашдаги SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Варақли оғсет босма ускуналариниг афзаллиги	Корхона шароитида таҳлил қилиш
W	Рулонли босма ускунасининг камчиликлари	Аниқ модель мисолида тасвирлаш
O	Варақли оғсет босма ускунасининг имкониятлари	Аниқ модель мисолида кўрсатиб бериш
T	Босиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган муаммолар	Муаммоларни тезкор ташхислаш воситалари

**“Функционал- таҳлил жадвали” методи.** Жадвални жуфтлиқда тўлдирилади.

Топшириқ: Босма қолиплар тайёрлаш ва уларга ишлов бериш усуулларини таҳлил қилинг.

Функционал хусусиятлар	Функционал хусусиятлар	Экспертлар					Баҳолаш натижалари
		А	Б	В	Г	Д	
1	X						$\Sigma XH$
	H						
	M						
2	X						$\Sigma XH$
	H						
	M						
3	X						$\Sigma XH$
	H						
	M						
4	X						$\Sigma XH$
	H						
	M						
5	X						$\Sigma XH$
	H						
	M						

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўгри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшигтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

## ***Матбаа маҳсулотларини ишилб чиқаришида принтмедиа технологиялар***

**Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”**

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Кўшимча маълумот
Электрофотография	Контактсиз рақамли босма технологияларидан бири	
Контактсиз босма		
Бўёқ аппарати		
Термоип технологияси		
Интеграл муқова		

### **“Брифинг” методи.**

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишланган қисқа пресс-конференция.

#### **Ўтказиш босқичлари:**

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Тингловчилар ёки тингловчилар томонидан принтмедиа технологиялар бўйича тақдимотини ўтказишида ҳам фойдаланиш мумкин.


### **“Портфолио” методи.**

“Портфолио” – ( итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг саралангандар ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қўйидаги турлари мавжуд:


Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гурӯҳӣ
Таълимий фаолият	тингловчи портфолиоси ва бошқ.	, тингловчилар гурӯҳи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Педагог портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

### **“ЁЗМА ЮМАЛОҚ СТОЛ” технологияси**


#### **Технологияни амалга ошириш тартиби**



Думалоқ стол услубида тингловчиларга бериладиган топшириқ ёзиб қўйилган қоғоз варағи давра бўйлаб ўтказилади.



Дарсда иштирок этувчи ҳар бир тингловчи ўзининг жавоб варағини ёзиб қўяди ва варақни бошқа тингловчига узатади.



Машғулот жараёнида ҳамма тингловчилар ўз жавобларини ёзиб қўйишади.



Кейин мухокама бўлади: ногўғри жавоблар ўчирилади, тўғри жавобларнинг сонига қараб тингловчининг билимларига баҳо берилади.



### **III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР**

**1-маъруза: Замонавий ускуналар, уларнинг тузилиши ва ўзига хосликлари ҳамда принтмедиа жараёнидаги муаммоларнинг эчимини топиш усуллари**

**Режа:**

- 1. Босма ва электрон ахборот воситалари намуналари**
- 2. Гибрид босма тизимларининг тузилиши**
- 3. Босма ва электрон ахборот воситаларини ишлаб чиқариш**
- 4. «Электрон» китоблар, «электрон» бўёқ ва «электрон» қоғоз**
- 5. Бозор улуши ва ривожланиш тенденциялари**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Матбаа саноати ҳам бундан четда қолгани йўқ, албатта. Мустақиллик йилларидан матбаа соҳаси жадал суръатларда ривожланмоқда. Бунга эса бир қанча асосли сабаблар бор. Улардан энг муҳими эса турли хилдаги босма маҳсулотларга эҳтиёжнинг ортиб боришидир. Маҳсулотлар турининг кўпайиши ва уларга талаб даражасининг ошиши ўз навбатида матбаа босма ускуналарининг такомиллаши ва ривожланишига олиб келди. Кўп рангли босма ускуналарининг иш кўлами кенгайди, шу билан бирга ускуналарнинг босиш тезлиги анча ошди. Янги турдаги офсет босма ускуналари ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилиши офсет босма турининг республикамиз миқёсида кенг жорий қилинишига олиб келди. Ҳозирда ахборотнинг босма (матбаа) воситаларини тайёрлаш ва ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида муҳим ўзгаришлар содир бўлди ва содир бўлмоқда.

Тубдан ўзгаришлар босма ускуналари ва жараёнларига ҳам дахлдор бўлмоқда. Бу нафақат компьютер ва рангли принтерлар соҳасида, балки серияли босма ускуналарида ҳам босманинг рақамли технологиялари яратилишида ўз аксини топди. Бундай босма ускуналарда амалда, босиш ва босишгacha бўлган жараёнларни ягона ускунада уйғунлаштириш ёки босишгacha бўлган жараёнларни босиш ускунасига кўчириш юзага келди. Натижада ҳар бир нусхани маҳсуслаштиришнинг янги имконияти пайдо бўлди.

Матбаа саноатининг асосий вазифаси босма маҳсулотларни тез ва сифатли тайёрлаб беришдан иборат. Бундан ташқари босма маҳсулотлар бозорида кўп рангли ва кам ададдаги маҳсулотларга талаб ошиб

## **Матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришида принтмедиа технологиялар**

бормоқда. Кам ададдаги маҳсулотларни тез ва сифатли ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологиялар зарурлиги долзарб масала ҳисобланади. Босма ускуналар мустақил давлатлар ҳамдўстлиги худудида биринчи маротаба 1930 йиллардан ишлаб чиқарила бошлаган. Шу йиллар давомида ускунасозлар маълум муваффақиятларга эришдилар.

Бугунги кунда босма ускуналарни ишлаб чиқарувчи фирмалар олдида турган асосий вазифалар:

- ишлаб чиқариш маданиятини ўстириш;
- босма ускуналарни ишлаб чиқаришда ротацион ускуналарнинг улушкини ўстириш;
- ускуналарга хизмат кўрсатишда ишлаб чиқариш шароитини яхшилаш;
- титраш ва шовқинни камайтириш чораларини излаш;
- бўёқнинг туманлашиши, қоғоз чангланиши туфайли бўлимдаги ҳаво ифлосланишининг олдини олиш;
- ускунада бажариладиган барча жараёнларни назорат қилиш учун маҳсулотни назоратдан ўтказиш ўлчов асбоблари ва аппаратларини ишлаб чиқиши;
- кўп бўёқли ва кўп саҳифали газеталарни босиш учун юқори сифатли газета агрегатларини ишлаб чиқариш;
- кўп бўёқли, кичик ўлчамда бўлган китобларни ишлаб чиқарадиган юқори самарали босма агрегатларни ишлаб чиқариш ва бошқалар.

Модулли тузилишда тайёрлаш ва бир-бирига мослаштириш ускуналар ишончлилигини таъминлаш услубларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, ускуналарни ишлаб чиқаришда функционал нархли таҳлил усулидан фойдаланиш зарур, чунки бу усул ускунани ишлаб чиқарилаётганда унга кетадиган ҳаражатларни камайтириш билан бирга унинг технологик самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Шу билан бир қаторда шу жараёнда бугунги кун талаби, яъни ЭҲМ дан фойдаланиб, автоматик лойиҳалаш услубларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Матбаа ускунасозлиги саноатига етказиб берилаётган қуйидаги эҳтиёт қисмлар ҳамда фойдаланиладиган хом ашёлар юқори сифатга эга бўлиши керак:

- офсет ускуналар учун резина матоларнинг қайишқоқлиги;
- босма ускуналар учун декел материаллари;
- технологик жараёнларни масофадан бошқариб турадиган юритмалар учун ихчам ҳаракатлантирувчилар ва бошқалар.

## ***Матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришида принтмедиа технологиялар***

Шу қаторда таъкидлаб ўтиш лозимки, янги технология ва ускуналар эски технологияга нисбатан атроф мухит учун маъқулроқ. Бу экологик талаблар нуқтай назаридан ишлаб чиқаришни ташкил қилишда муҳим омил ҳисобланади.

Ушбу ўқув қўлланмада варақли ва рулонли босма ускуналари, шунингдек, уларнинг асосий қисм ва механизмлари ҳақида батафсил маълумотлар мавжуд.

“Принтмедиа технологиялари ва комплекслари” ўқув услугий мажмуаси матбаа мутахассислиги бўйича малака ошираётган тингловчилар учун мўлжалланган бўлиб, у замонавий босма ускуналарининг турлари, қурилмалари, қўлланилиш соҳалари, технологияси ва техник тавсифлари ҳақида тўлиқроқ маълумот олишни хоҳловчилар учун ҳам фойдали бўлиши мумкин. “Принтмедиа технологиялари ва комплекслари” ўқув услугий мажмуасини муаллиф фойдаланувчи (ўқувчи) матбаа асосларидан тушунчаси бор, босиш ускуналарининг принципларидан хабардор деган фикрдан келиб чиқиб тузган.

Матбаа саноатининг туб моҳияти, босиш жараёнини вужудга келтирувчи муҳим омил бу унинг асосий техника базаси ва босма қолипдаги тасвирларни бўёқ ёрдамида босма материал юзасига сифатли кўчиришдир. Буни амалга ошириш учун аввало босма қолипи тайёрланади ва ундаги тасвир босим орқали қоғозга ёки матога бўёқ ёрдамида ўtkазилади

Тайёрланган босма қолипдан нусха олиш матбаа саноати шакилланмасдан олдин ҳам мавжуд бўлган. Жумладан, қолипдан нусха кўчириш қадимда шахсий мулкка қўйилган белгиларни, матога босилган тасвирларни, тахта қолиплардан олинган нусха варақалар, харита ва китоблар фикримиз далилидир. Бу турдаги санъат жараёни матбаа атамаси билан юқори босма усули деб аталади.

Матбаа корхоналарининг ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари техник ва ташкилий даражани ошириш, ишлаб чиқаришнинг моддий-техник базасини юқори электрон технологиялар даражасига этказиш, ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнларида тегишли тузилмавий ва сифат ўзгаришларини амалга оширишга йўналтирилган.

Босма усулларини ҳамда тизимларни турли мезонлар бўйича таққослаш асосида реал тизимларда рўёбга чиқарилган (State-of-the-Art) барча босма усулларининг маълум босма маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги кучли томонларга эгалиги аниқланган. Шунга мувофиқ,

## ***Матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришида принтмедиа технологиялар***

барча асосий босма усуллари бозорда ўз сегментига эга ва келажакда қайси босма усулларининг ривожланишини баҳолаш анча қизик.

Босма ахборот воситаларига бўлган эҳтиёж ҳали узоқ вақт давомида ўсиб боради. Маҳсулот қайси босма усулларида босилиши ва бу усуллар бозорни ўзаро қандай бўлиши муҳим ҳисобланади.

Маълумки, чуқур босма юқори сифати туфайли доимий бозор сегментига эга. Лекин умумий ишлаб чиқаришида унинг улуши кичик, чунки босма қолипларини тайёрлаш катта харажат талаб қиласди, фақат жуда катта ададлардагина ишлаб чиқариш фойда келтиради. Офсет босма қолипини тайёрлаш харажатларини камлиги (юқори босма усулига нисбатан), техника автоматлаштирилганлик даражасининг юқорилиги, қолип мослаш вақтининг камлиги ва босма сифатининг юқорилиги туфайли узоқ вақт давомида бозорда энг катта улушга эга бўлган.

Флексографик босма соҳасида маҳсулот сифатининг ортишига олиб келган инновациялар ва ўрамларни тайёрлашда флексографик босма улушкининг ортиши туфайли юқори босма усуллари улуши бир оз ошмоқда.

Офсет, айниқса, варақли офсет босма ўз буюртмаларининг сезиларли қисмини контакtsиз технологиялар асосидаги тизимларга ва бир қисмини флексографик босма усулига бермоқда. Контакtsиз технологияларнинг тарқалиши кичик ва жуда кичик ададларни босиша уларнинг афзалликларига, шунингдек, «талаб бўйича босиш», «талаб бўйича китоб», босма маҳсулотларини персоналлаштириш каби янги ишлаб чиқариш стратегиялари ҳамда босма сифати ва унумдорлигини оширишга асосланади.

Офсет босма рақами ишчи оқимларнинг (Workflow) янада кенг жорий қилиниши ва «Компьютер – босма ускунаси» технологиясининг янада ривожланиши баробарида этакчи босма усули мақомини сақлаб қолади.

Шуни таъкидлаш муҳимки, офсет босма усули улушкининг пасайиши баробарида алоҳида босма усулларининг нисбий улуши ўзгаради. Босма ахборот воситаларига бўлган эҳтиёжнинг доимий ўсиб бориши туфайли офсет босма усулида чиқариладиган босма маҳсулотларининг умумий миқдори доимий ошиб боради.

Электрон ахборот воситалари босма ахборот воситаларига нисбатан юқори ривожланиш суръатларига эга. Истиқболда босма медиага бўлган эҳтиёж ҳам сезиларли ўсади. Бу босма тизимларини қуришда ва ишлаб чиқариш концепциялари ва эчимларини тайёрлашда янги инновациялар зарурлигини тақозо қиласди. Улар ёрдамида мижозга бевосита яқин

## **Матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришида принтмедиа технологиялар**

шароитда талаб қилинадиган миқдорда маҳсулотни тежамкор даражада тайёрлашга эришилади.

### **1. Босма ва электрон ахборот воситалари намуналари**

Ишбилармонлик ва хусусий соҳаларда коммуникация сезиларли даражада ахборот воситалари (медиа) ёрдамида амалга оширилади.

Босма медиа орасида газета, китоб ва каталоглар бозорнинг алоҳида катта улушини эгаллайди. Ўраш-қадоқлаш маҳсулотларини, шунингдек, реклама ва тижоратга оид босма маҳсулотларини тайёрлаш матбаачилик учун катта аҳамият касб этади.

Босма маҳсулотлари аксарият ҳолатларда ўрта ва катта ададларда чиқарилади, чунки ишлаб чиқариш технологиялари қиммат бўлмаган ҳолда ва юқори сифатда тайёрлашга имкон беради. Босма ахборот воситаларининг ахборот мазмuni (матнли ва расмли ахборот) статик бўлиб, тез ва интерфаол даражада ўзгартирилмайди. Янги ишлаб чиқариш технологияларининг буюртмачиларнинг истакларига кўра босма ахборот воситаларини персоналлаштириш, ахборотни талаб бўйича тайёрлаш бўйича имкониятлари кенгайиб бормоқда. Қўшимча мосламаларсиз соддалик билан фойдаланиш босма медианинг ўзига хос устуворлиги хисобланади.

Ахборот (маълумотлар тури) электрон қурилмалар воситасида (яратиш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатишга мўлжалланган воситалар), матн, графика ва расмлар билан бир қаторда аудио ва видеоқаторларга (мусиқа, динамик тасвир) эга бўлиши мумкин (масалан, CD-ROM да). Фойдаланувчи кўп марта ва интерфаол режимда алоқага киришиши, тақдим қилинаётган ахборотдан керагини танлаб олиши мумкин. Электрон воситалардан фойдаланиш қўшимча қурилмалардан, хусусан, қабул қилиш ва визуаллаштириш қурилмаларидан фойдаланишни талаб қиласди.

### **2. Гибрид босма тизимларининг тузилиши**

Нафақат у ёки бу босма усулидан, балки уларнинг комбинациясидан ҳам фойдаланиш мумкинлигини кўрсатувчи ишлаб чиқариш шакллари ва тузилмалари мавжуд. Бу ҳолат ишлаб чиқарувчи учун юқори рентабелли ва буюртмачи учун ҳам фойдали бўлган қизиқарли ишлаб чиқариш ечимларининг яратилишига олиб келади.


Гибрид босма тизимлари босма қолипини ишлатадиган турли босма усувларини ёки контактсиз технологияни, шунингдек, уларни ўзаро уйғунлаштириш йўли билан шакллантирилади. «Компьютер - ...»

## Матбаа маҳсулотларини ишилаб чиқаришида принтмедиа технологиялар

технологияси учун «Компьютер – босма ускунаси» («Тасвирни тўғридан тўғри ёзиш») ва «Компьютер – босиши» технологиялари кўрсатилган. «Компьютер - ...» технологияларини уйғунлаштириш турли хил гибрид босма тизимларини яратиш мумкин.

Гибрид босма тизимлари ёрдамида босиладиган материалларнинг хоссалари алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, улар босма хоссалари, бўёқни шимиши, босишининг сифати ва матонинг ҳаракати нуқтаи назаридан қўлланадиган босма технологиялари талабларига жавоб бериши керак.

Босишида турли хилдаги босма бўёқларидан фойдаланилиши туфайли баъзи ҳолатларда бўёқларнинг берилиш кетма-кетлигига боғлик ҳолда муаммолар келиб чиқиши мумкин. Масалан, офсет босма усулида босилган кўп бўёқли тасвирга пуркашли босма усулида сиёҳ сепишда ўзига хос муаммоли ҳолатлар юзага келиши мумкин.



**1-расм. «Компьютер – босма ускунаси» ва «Компьютер – босиши» технологиялари рақамли гибрид босма тизимларининг асоси сифатида**

**Гибрид босма тизимлари** модули тузилишни қўзда тутиб, бунда кўп бўёкли офсет ускунаси, бир ёки кўп бўёкли контакtsиз босма ускунаси билан биргаликда ишлатилиши мумкин. Бундай уйғунлашувнинг афзаллиги шундаки, иккита босма усули асосида оқимли ишлаб чиқаришни яратиш имконияти юзага келади. Бундай уйғунликнинг ҳар бир таркиби қисми мустақил равишда ишлаши мумкин.

### **3. Босма ва электрон ахборот воситаларини ишлаб чиқариш**

Хужжатга статик ахборот билан бир қаторда динамик видеоқатор, виртуал реаллик VR (Virtual Reality) ёки кенгайтирилган реаллик AR (Augmented Reality) кўринишида мундарижа киритилиши мумкин.

Тайёрланиши керак бўлган хужжат ахборот манбалари (агентликлар, архивлар ва ҳ.к.) воситасида шакллантирилади. У манбалардан маълумотлар файли сифатида электрон кўринишида ёки аслнусха сифатида физик ташувчиларда (масалан, қофозда, пленкада) берилиши мумкин. Бутун хужжат учун маълумотлар файлини яратиш ускуналарнинг турли тўплами ва конфигурациясига эга бўлган тизимлар ёрдамида амалга оширилади.

Тўлиқ шакллантирилган хужжат маълумотларига эга файл – рақамли аслнусха («Digital Master») – электрон хужжатлар маълумотлари банкидан (Electronic Document Warenhouse) фойдаланиб тайёрланиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, чиқаришга тайёрлашдаги асосий фарқ рангларга ажратиш операциясини амалга оширишда намоён бўлади. Босма воситалар учун у талаб қилинади, электрон ахборот воситалари учун талаб қилинмайди.

Босма ва электрон медиани тайёрлаш хужжатнинг мазмунини тайёрлашга асосланади. Унда хужжат учун файлнинг рақамли маълумотларини тайёрлаш босқичлари, шунингдек, Premedia (Premedia) соҳаси қўрсатилган. Маълумотларга эга файл – бу ҳам босма, ҳам электрон воситаларни тайёрлаш учун асос ҳисобланади. Қофоз ташувчиидаги ахборот анча кўргазмали, электрон ахборот воситалари учун эса тегишли техник қўллаб-қувватлаш талаб қилинади. Мультимедиали хужжат бир нечта электрон медиалардан (телевидение, радио, интернет, CD-ROM) фойдаланиш йўли билан яратилиши мумкин. Хужжат қўйидаги ахборот таркибий қисмларига эга бўлади: матн, расмлар, графика ва товуш, статик ва динамик шакллардаги видео. Мультимедиали хужжатлар электрон ва босма медианинг уйғунлашуви бўлиши мумкин.

Босма медиа ишлаб чиқариш жараёнига ахборот технологияларининг кириб бориши электрон воситалар билан янада

## **Матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришида принтмедиа технологиялар**

узвий алоқа таъсинланишига хизмат қиласи. Бу ҳолда рақамли услублар платформа вазифасини бажаради. Premedia соҳасида, юқорида айтиб ўтилганидек, ахборотнинг мазмуни тайёрланиб, ундан босма ва электрон ахборот воситаларининг ҳар икки соҳасида қўлланилади.

### **4. «Электрон» китоблар, «электрон» бўёқ ва «электрон» қоғоз**

Электрон медиа (масалан, CD-ROM га ёзилган ёки Интернет орқали) воситасида ахборот, ҳужжатлар ва уларнинг мазмунини узатиш коммуникация соҳаларида янги қизиқарли имкониятларни очиб беради. Электрон медиа босма воситаларга инновацион муқобил бўла олади. Масалан, матннинг бир қисмига мурожаат қилиш, айникса электрон версияларда, ахборотни излаш ва алмашиб дастурлари ёрдамида амалга ошади. Видеоклиплар, анимациялар, товушли ва мусиқий элементларни қоғоз ташувчидағи матнли ахборот ва қўзғалмас тасвиirlар билан интеграциялаш, анъанавий китоб билан солиширгандан, босма нашрлардан фойдаланиш даражасини оширади. Бунда фойдаланиш учун дидактик тайёрланган компонентлар интеграцияланиши мумкин. Барча китоблар тоифаси (беллестристика, илмий ва маҳсус адабиётлар ва х.к.) ва газета сектори электрон ахборот воситаларини жорий қилиш учун истиқболли соҳа ҳисобланади. Босма ахборот воситаларининг афзалликларидан фойдаланиш ҳисобига электрон воситаларни янада жозибадор ва қулай қилиши мумкин бўлган ечимлар ишлаб чиқилмоқда.


#### **4.1. «Электрон» китоблар (E-Books)**

CD-ROM да электрон китобларни тайёрлаш ва матнли ва расмли ахборотни акс эттириш учун чиқариш қурилмаларига эга тармоқлардан фойдаланиш бугунги кунда ҳеч кимни хайрон қолдирмайди 2-расм). Нисбатан катта ва қисман мураккаб чиқариш қурилмаларининг камчилиги шундан иборатки, улар ўзларининг ўлчами бўйича ахборот ташувчи сифатидаги оддий ва қулай китобдан ортда қолади. Лекин, тегишли қулай дастурий таъминот ёрдамида электрон воситалар томонидан тақдим қилинган ахборотдан янада самарали фойдаланиш мумкин. Бироқ, юқорида айтиб ўтилганидек, уларнинг камчилиги – нисбатан катта бўлган чиқариш қурилмаларининг талаб қилиниши – бартараф қилинмаган (2-расм). Хатто китобга ўхшашиб бўлган маҳсулотлар яратиш учун эгилувчан дисплейларни яратиш йўналишидаги илгор ишланмалар ҳам ҳозирча китобга ўхшашиб бўлган намуна бера олмаяпти.

«Электрон» китоб (E-Book) нинг аппаратли асосини яратиш билан боғлиқ бўлган кўплаб концепция ва ишланмалар мавжуд, масалан, Rocket

## *Матбаа маҳсулотларини ишилаб чиқаришида принтмедиа технологиялар*

eBook (NuvoMedia), Softbook (Softbook Press) ва EB Study (Everybook) моделлар. З-расмда мисол сифатида Rocket eBook келтирилган. У фойдаланувчи учун қулай ўлчамда тайёрланган ва исталган жойда автоном режимда фойдаланиш имконияти яратилган. Бундай «электрон» китобда сақланадиган ахборот ҳажми қалин китоблар ҳажмидан қолишмайди.



## **2-расм. Китоб ва дастурий таъминотлар, кўчма Notebook компьютерида интерфаол таълим**

3-расмдаги намуна матнинг бир қисмида белгилашни амалга ошириш учун тегишли дастур ва интерфаол бошқарув панелларидан фойдаланишни намоён қиласди. Бундай имкониятлар келгусида электрон китобларнинг жозибадорлигини оширади. Эгилмайдиган, қаттиқ экран фойдаланувчига китоб ёки газетанинг эгилувчан варакларини «ҳис қилишга» имкон бермайди. 4-расмда электрон китоб учун тадқиқот концепцияси (Philips) келтирилган бўлиб, унда қофозга ўхшаш бўлган эгилувчан экранга эришилган.




3-расм. «Электрон» китоб (Rocket eBook, NuvoMedia)



**4-расм. Бошқарув панелига эга бўлган электрон китоб, фойдаланиувчи китобнинг исталган қисмларини белгилаши мумкин (Softbook, Softbook Press)**

5-расмда «электрон» газетанинг (IBM) тадқиқот лойиҳаси келтирилган. У «саҳифа» тасаввурини уйғотувчи икки томонлама экран кўринишидаги 16 та газета саҳифаси элементларига эга. Бундай газетани, масалан, Интернет орқали матн, графика ва расмлар билан юклаш мумкин.



**5-расм. Электрон газета (IBM, 1999 й.)**

Ишилаб чиқарувчилар ва яратувчилар босма ахборот воситалари ташувчиси – қофозни эгилувчан экранлар кўринишидаги бошқа маълумотлар билан алмаштиришга имкониятлар изламоқдалар. Куйида медиани визуаллаштириш учун янги турдаги экранларнинг яратилишини

## **Матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришида принтмедиа технологиялар**

тасвирловчи бир нечта технологик ечим, концепция ва лойиҳалар кўриб чиқилган.

### **4.2. «Электрон» бўёқ (E-Ink), «электрон» қоғоз (E-Paper)**

Қоғозга ўхшаш материалларни яратиш бўйича қўплаб ишлар амалга оширилган. Материалда элестрон сигналлар воситасида матнли ва расмли ахборот акс эттирилади. Қоғоз ўрнини босувчилар маълумотларни тўплаш ва кўп марта фойдаланиш (ўчириш, нусха кўчириш) имкониятига эга бўлишлари керак.

**Electronic Ink (E-Ink) электрон бўёғи.** 1996 йилда Массачусетс технология институти MIT (Massachusetts Institute of Technology, Cambridge, USA) томонидан электрон китоблар учун маҳсус материалларни яратиш бўйича тадқиқот натижалари эълон қилинган. Уларда ўқувчи учун керак бўладиган ахборот рақамли услублар воситасида туширилади.


6-расмда бундай материални яратишнинг иккита варианти содда ҳолда тасвирланган. Бу «қоғоз» кўп қатламли тузилмада бўлиб, компонент сифатида шарсимон шаклли микрокапсулаларга эга (диаметри таҳминан 100 мкм), улар юзасининг ярми оқقا, қолган қисми қорага бўялган. Улар дипол ҳисобланади (6-расм, а), шунинг учун айланишда уларнинг ориэнтацияси электр сигналлар воситасида ўзгаради. Шу тарзда материал оқ ва қора ранга эга бўлади. Унда расмли ахборот шакллантирилади. Сигнал олиб ташланганидан кейин микрокапсулаларнинг ҳолати автоматик эслаб қолинади. Ахборотни ўчириш ёки янгисини тушириш ҳам электрик сигналлар воситасида амалга оширилади. Микрокапсулаларни тайёрлаш ва кўп қатламли субстратда жойлаштириш билан бир қаторда, бошқарув тизимини яратиш ҳам асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Бу кўринмайдиган сигналли шиналар матрицаси бўлиши керак. Ушбу концепция «Electronic Ink» деб номланади, яъни «электрон бўёқ» маъносини беради.

Ушбу ахборот ташувчи ёрдамида кўп саҳифали китобни яратиш мумкин (6-расм, а да кўрсатилган). Қоғознинг ўрнини босилувчи материалларни яратиш бўйича бу концепция бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, уни амалга оширишнинг турли вариантлари мавжуд.

Маълумки, 1999 йилда қайта ташкил қилинган (E Ink Corp.) фирма ўзининг янги маҳсулоти сифатида «E-Ink» асосида тайёрланган катта ўлчамли индикатор панелларини ишлаб чиқарди. E-Ink фирмасидан этиб келадиган ахборот микрокапсулалар воситасида «қоғоз»нинг рангини

## Матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришида принтмедиа технологиялар

ўзгартириш бўйича кейинги ишланмалар ҳақида ахборотга эга. Улар (б-расм, б) шаффоф қобиққа эга бўлиб, унинг ичида тўқ рангли (масалан, кўк) бўёвчи ва оқ пигментнинг жуда майдар заррачалари мавжуд. Электр майдон таъсири остида оқ пигмент заррачалари қобиқ ичида «қоғознинг юзасига» ҳаракатланиши мумкин. Бу тегишлича оқ рангнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Агар майдоннинг кутблилиги ўзгарса, зарядланган оқ пигментлар юздан қарама-қарши томонга ўтади, тўқ рангли бўёвчи эса юзага тегишли ранг беради.



**6-расм. Электрон китобларда ахборот бериш учун мўлжалланган электрон сиёҳ (E-Ink)**

а-айланувчи микрокапсулалардан (MIT) фойдаланиш концепцияси, (12.2-1);

б-тўлдирилган микрокапсулалардан фойдаланиш концепцияси (E Ink Corp/MIT; 1999 й.)

Яқин йиллар ичида E-Ink технологияси асосида тайёрланган электрон китобларнинг амалиётда қўлланилиши тахмин қилинмоқда.

**«Gyricon», «электрон қоғоз» (E-Paper).** XeroxPARS (PARC –Palo Alto Research Center тадқиқот маркази, Калифорния, АҚШ) фирмаси томонидан ишлаб чиқилган, «Гйрисон» номини олган лойиҳа электрон қоғоз (электрон сиёҳ) ни амалга ошириш соҳасидаги ишланмалардан бири ҳисобланади. Бу «электрон қоғоз» юқорида баён қилинган концепцияга ўхшаш ва Xerox фирмасининг аввалроқ олинган патентига асосланган. Бу ҳолда ҳам микрокапсулалар «электрон қоғоз» нинг (E-Paper) муҳим таркибий қисми ҳисобланади, улар бир томондан оқ, иккинчи томондан қора ранга бўялган. Бир томони мусбат зарядга, иккинчи томони манфий зарядга (дипол) эга. Микрокапсулалар электр майдонида ориэнтацияланади. Бунда материалнинг юзасида тасвирнинг шаклланиши электр сигналлари ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

## Матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришида принтмедиа технологиялар

(«Gyricon» nomi grekcha «gyro» – айланиш ва инглизча «исон» – символ сўзларидан келиб чиқкан).

1995 йилдан бери бу усулни амалда қўллаш бўйича жадал ишлар олиб борилмоқда. 7-расмда қандай қилиб микрокапсулалар ёрдамида (диаметри тахминан 100 мкм, бу тахминан 250 дпи бўлган имконли қобилиятга мос келади) тасвирнинг оқ-қора элементларининг шаклланиши кўрсатилган. Бу лойиҳани ишлаб чиқиш учун уни амалга ошириш ва рулонли материални тайёрлаш бўйича фирмা консорсиуми (Xerox, 3M) ташкил қилинган. Кўрсатилган усул бўйича рангни ҳосил қилиш концепцияси, рангли фильтрлардан фойдаланиш ва микрокапсулаларнинг диаметрини 30 мкм гача кирайтириш билан бир қаторда, ҳозирда мухокама босқичида.

Юқорида баён қилинган «китоб саҳифалари» ни олиш бўйича «E-Ink» ва «E-Paper» концепциялари янги турдаги дисплейларни, хусусан, реклама эълонлари учун катта ўлчамли дисплейларни қуриш учун қўлланилиши мумкин. E-Ink фирмаси шундай техникани ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрмоқда.

Ахборотни сақлаш ва уни такроран ёзиш имконияти, шунингдек, «электрон қофоз» нинг яssi тузилмаси минимал энергия сарфи нуқтаи назаридан ўзига ҳос жозибадор ҳисобланади, бу соҳадаги ишланмалар бошқа соҳаларда ҳам ўз ўрнини топиши мумкин.

**Юқори даражада эгилувчан LED ва LEP дисплейлар.** Сўнгги йилларда электрон-нур трубкали дисплейлар CRT (Cathode Ray Tube) суюқ кристалли дисплейларга LCD (Liquid Crystal Display) ўз ўрнини бўшатиб бермоқда. Улар яssi экранга ва нисбатан кичик ўлчамларга эга. Энг янги ишланмалар LCD технологияси асосида эгилувчан рангли дисплейларни яратиш билан боғлиқ, масалан Минолта).


Аввал тақдим қилинган «E-Paper» ва «E-Ink» эгилувчан дисплейларни яратиш имкониятларининг кенглигидан далолат беради. Уларда тасвир материал қатламида рангни ҳосил қилувчи элементларни қайта орентациялаш йўли билан ҳосил қилинади.

Бу соҳадаги яна бир ишланма сифатида органик диодлар OLEDs (Organic Light Emitted Diodes) ни кўрсатиш мумкин, улар полимерларнинг электролюминесценцияси ҳодисасига асосланади (7-расм). Материалга кучланиш бериш унинг оний ёришишига олиб келади. OLED асосида эгилувчан рангли дисплей олиш учун кўп қатламли субстрат таркибига кўк, яшил ва қизил ранглар учун турли ёруғликка сезгир полимерлар киритилади (Буюк Британиянинг Cavendisch лабораторияси ва Япониянинг Seiko-Epson фирмаси ишланмалари). Адабиёт манбаларидан

## Матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришида принтмедиа технологиялар

маълумки, маҳсус пуркашли босма тизимлари ёрдамида ёруғликка сезир полимерларни қоплаш технологияси билан боғлиқ концепция устида ишланмоқда.

7-расмда эгилувчан полимер дисплей намунаси келтирилган. Бирок у E-Ink ва E-Paper «электрон қоғози» дан фарқли равища, ахборотни эслаб қолиш қобилиятига эга эмас. Полимерлар доимий равища энергия бериб турилганда таъсирланади. Органик бирикмалар асосида эгилувчан дисплейлар (OLED) олиш технологияси сўнгги вақтларда қисқача LEP (Light Emitting Polymer) номини олган.



**7-расм. «Gyricon» электрон қоғози (рақамли ахборот ёзиш учун эгилувчан тушаувчи):**

а-«босма саҳифа» намунаси; б-бир рангли ахборотни ҳосил қилиш учун микрокапсулалар кўрсатилган тасвирнинг катталаштирилган лавҳаси (микрокапсулалар диаметри тахминан 100 мкм) (Gyricon, Xerox)

Бундай дисплейларнинг юқори даражадаги эгилувчанлиги асосий устуворликлардан бири ҳисобланади, бу уларни кичик радиус билан трубка шаклида ўрашга имкон беради. Камчилиги: нисбатан чегараланган хизмат муддатини кўрсатиш мумкин. Electronic Book электрон китобининг эгилувчан дисплейи кўп рангли ёришадиган органик полимерларга эга.

**Кўп марта ёзиладиган қоғоз.** Баъзи бир физик-кимёвий эффектларда қиздириш йўли билан полимерлардан тайёрланган кўп қатламли материалларда рангнинг ўзгаришига эришиш мумкин. Баъзи фирмаларнинг мақола ва патентларида, масалан RICOH фирмаси маълумотларида ушбу «қоғоз» (материал) нинг иш тамойили ҳақида ахборот келтирилган.

«Термосезир қоғоз» лар асос, ёзиш ва ҳимоя қатламларидан ташкил топади. Иссиқлик таъсири остида, масалан, НИП-технологияда қўлланадиган термик бошча ёки термик лазер диодлари таъсири остида

## **Матбаа маҳсулотларини ишилаб чиқаришида принтмедиа технологиялар**

материалда ёруғликнинг ўтиши ёки қайтарилишига таъсири қилувчи қатламнинг хоссалари ўзгаради.



**8-расм. Органик ёруғлик диодлари Organic Light Emitted Diodes (OLED) дан фойдаланиб яратилган эгилувчан дисплей (Cambridge Display Technology)**

Маълумки, термосезгир полимерлар нисбатан шаффофлашиб қолиши мумкин. Полимер оқ юзага эга бўлган асосга суртилади. Ёруғлик ўтказмайдиган (кора) қатлам иссиқлик таъсири остида ёруғлик ўтказадиган (оч рангли) бўлиб қолади. Шундай қилиб тасвирнинг ҳосил бўлиши учун зарурий эфект яратилади. Шаффофликнинг ўзгариши қайтар жараён ҳисобланади. юзанинг яна бир жинсли (кора) ҳолатига қайтиш мумкин.

Бундай материал рулонли кўринишдаги «электрон» китоб тайёрлашда қўлланилиши мумкин. «Сахифаларни вараклаш» рулонли материални ёзиш ва ўрашда тасвирни ўчириш ва янгисини ёзиш билан амалга оширилиши мумкин. Термосезгир материаллар ҳам электрон китоблар сахифаларини, ҳам дисплейларни тайёрлашда қўлланилиши мумкин.

**Мавжуд ҳолати ва ривожланиш тенденциялари.** Юқорида кўриб чиқилган «Electronic Ink» ва «Electronic Paper», эгилувчан дисплейлар ва «кўп марта ёзиладиган қоғозлар» технологияси асосидаги электрон китобларни тайёрлаш намуналари электрон усул билан ёзиладиган ташувчиларни яратиш бўйича катта харакатлар амалга оширилаётганлигидан далолат беради. Улар босма ва электрон ахборот воситаларининг ташқи ўхшашлиги «тасаввурини» уйғотади. Ахборотни ўқиш ва ёзишда энергия сарфи минимал, ёзиш қурилмасини ахборот

## **Матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришида принтмедиа технологиялар**

узатиш тармоқлари билан бирлаштириш имкони пайдо бўлади. Бироқ, ишланмаларни бозорга чиқиш ҳолатига этказиш учун ҳали анча ҳаракатлар талаб қилинади. Серияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун анча вақт бор, лекин бу ишнинг имкони мавжуд.

Хозирги кунда мавжуд бўлган электрон медиа ва «E-Book» электрон китоб ёки газета кўринишидаги босма воситаларнинг ўрнини боса олмайди. Янги технологик имкониятлар, албатта, ўз қўлланиш ўрнини топадиган коммуни-кация ва ахборот воситаларини яратишга имкон беради. Мультимедиа маҳсулотлари босма воситалар янги электрон медиа турлари билан уйғунлаштирилганда фойдаги гибрид эчимларга айланади.

### **5. Бозор улуши ва ривожланиш тенденциялари**

Янги электрон технологияларнинг жозибадорлиги ва ахборотни тарқатишида тури коммуникация муҳитларидан фойдаланиш имкониятлари босма маҳсулотлар бозорига таъсир кўрсатади. Тенденцияларни ва босма ҳамда электрон воситаларга бўлажак талабларни синчковлик билан таҳлил қилиш ва прогнозлаш талаб қилинади.

### **Босма медиаларига бўлган талабни аниқловчи бошланғич омиллар**


9-расмда босма ахборот воситалари бозоридаги талабни аниқлаб берувчи омиллар санаб ўтилган. Улардан энг асосийлари қуйидагилар: ахоли таркибидаги умумиқтисодий ўзгаришлар ва сиёсий таъсир. Демократлаштириш ахборотдан глобал ва эркин фойдаланишга хизмат қиласди. Аҳолининг барча қаталмлари оарсида ижтимоий ҳаётда таълим ва тарбиянинг ўрни жуда муҳим. Бутун ҳаёт давомида таълим олиш сингари, улар босма маҳсулот ишлаб чиқаришга ижобий таъсир ўтказади. Экологик талаблар шахсни атроф-муҳитни чуқурроқ идрок қилишга ундейди. Буларнинг барчаси ахборотдан қўпроқ фойдаланиш заруратини тақозо қиласди. Ахборот воситалари «ландшафти» қўп қиррали бўлиб бормоқда, талаб палитраси кенгайиб бормоқда. Тармоқ нафақат инсонлар гурухига, балки алоҳида шахсларни йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришга эътибор қаратмоқда. Бунда янги технологияларни ишлаб чиқиш ва инновацияларни жорий қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Шу билан бир вақтда технологиилар, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги инновациялар ва ўзгаришлар босма ва электрон ахборот воситаларига бўлган талабнинг трансформацияланишига олиб келади.

## Матбаа маҳсулотларини ишилб чиқаришида принтмедиа технологиялар

9-расмда, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, босма ахборот воситаларига бўлган талабга таъсир кўрсатувчи омиллар кўрсатилган. Босма воситаларнинг имкониятлари ва мавжуд ҳолати анча кенг ва юқорида санаб ўтилган соҳаларга ижобий таъсир кўрсатади. Босма воситаларнинг тузилмаси ва таркиби жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларида янги тенденцияларни яратишга имкон беради ва шу орқали маданият даражасининг ўсиши таъминланади.

Босма ва электрон ахборот воситалари ўзларининг қўлланилиш соҳаларида ва бозор сегментларига эга бўлиб, бир-бiri билан қисман рақобатга киришади. Босма ахборот воситаларига бўлган талабни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, электрон медианинг кенг тарқалиб бориши билан сўнгги йилларда босма воситаларга бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. Масалан, маълумотномалар, электрон медиа ва уларга хизмат кўрсатиш ҳақида ахборотлар ўз заруритини йўқотмаган. Бу манбалар электрон воситалардан фойдаланиш имконини берувчи функционал маълумотларга эга.



**9-расм. Босма ахборот воситаларига бўлган талабни аниқловчи омиллар**

## **Матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришида принтмедиа технологиялар**

9-расмда босма ахборот воситаларга тааллукли бўлган маҳсулотлар гурухи кўрсатилган, бир вақтнинг ўзида талаб қилинадиган сифат мезонлари ва ададларнинг намунавий ўлчамлари келтирилган. Бир томондан, бундай хилма-хиллик босма воситаларга бўлган талабнинг устуворлиги, иккинчи томондан тайёрлашга кам харажат талаб қиласидан ишлаб чиқариш технологияларини қўллаш зарурати билан боғлиқ. Бундан ташқари, шу расмда босма ва электрон ахборот воситаларига бўлган прогноз берилган. Маълумотларга статистик ишлов бериш натижасида одамлар бўш вақтларида асосан қандай ахборот воситаларидан фойдаланишлари аниқланган (ахборот воситалари турларидан биргаликда фойдаланиш эътиборга олинмаган). Радио, телевидение, шунингдек, босма ахборот воситаларининг этакчи ҳолатни эгаллаши ҳайратланарли эмас.

Келажакда босма ахборот воситаларига бўлган талабнинг қандай бўлиши жамиятнинг тарбия, таълим, маданият ва моддий ҳаёт соҳаларидағи ривожланиши тенденцияларига боғлиқ. Телевизион кўрсатувларни кўриш ва электрон медиадан фойдаланиш ўрнига китоб ўқишининг янада кенг тарқалиши кутилмоқда. Босма ахборот воситалари билан бир қаторда электрон ахборот воситаларидан фойдаланишнинг ҳам ўсиши башорат қилинмоқда.

Электрон ахборот воситалари ва онлине хизматлар электрон бизнес Electronic Business (E-Business), электрон тижорат ва бошқа имкониятларни таъминлайди. Бу тегишли босма ахборот воситаларига бўлган эҳтиёжга ижобий таъсир кўрсатади. Китобларни электрон буюртма қилиш бутун дунё бўйлаб амалга оширилади. У электрон бизнес доирасида маълум фаолият соҳасини очиб беради ва босма маҳсулотлари ададининг кўпайишига олиб келади.

Китоб дўконлари ва шаҳобчаларида рангдор китоблар, журналлар ва бошқа босма медиа воситалари билан савдо қилиш электрон каталогларни ўрнатиш йўли билан қўшимча қўллаб-қувватланади, масалан керакли нашрни излаш ва унинг таркиби билан танишиш учун маҳсус терминал («Infopoint») воситасида.


Босма воситалар фойдаланишнинг соддалиги, безатилишининг юқори даражадаги стандарти ва ишлаб чиқаришнинг қиммат эмаслиги билан тавсифланади. Электрон медиа эса долзарблиги, локал ва глобал тармокларда кенг имкониятли интерфаол даражада қўлланилиши билан ажралиб туради.

Бутун дунёда босма медианинг ривожланишини ва янги электрон технологияларнинг имкониятларини прогноз қилишга ҳаракатлар амалга

## Матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришида принтмедиа технологиялар

оширилмоқда. Ишлаб чиқарувчиларни келажақда бозорда ахборот воситаларининг тақсимланиши қандай бўлиши қизиктиради.

Бу маълумотлардан келиб чиқадики, технологиялар, иқтисодиёт ва жамиятдаги ўзгаришлар босма ва электрон ахборот воситалари ёрдамида олинадиган ахборотга бўлган эҳтиёжнинг ўсишига олиб келади. Электрон ахборот воситалари босма воситаларга нисбатан келажақда янада кенг тарқалиши билан ажралиб туради. Босма ва электрон медиа бозорларининг пулли ифодаланган улушлари электрон воситалар томонига силжийди. Узоқ муддатли прогнозлар шуни кўрсатмоқдаки, босма медианинг электрон медиага нисбати ўртacha 50:50 бўлиши кутилмоқда (2000 йилда у тахминан 60:40 ни, 1995 йилда эса 70:30 ни ташкил қилган).



a




b

### **10-расм. Босма ахборот воситалари сотувига хизмат қилувчи электрон медиа:**

- а-китоблар буюртмаси учун электрон бизнес (amazon.de);  
б-журналларнинг номларини излаш ва танлаш ҳамда буюртма қилиш учун таркиби билан танишиш учун каталог (InfoPoint/Wisbadener Konzeptgruppe)

Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, ускуна етказиб берувчилар, буюртмачи-лар ва тарқатувчилар уйғунлигига босма воситаларга бўлган эҳтиёжнинг қондирилиши масаласи муҳим ҳисобланади. Яна бир муҳим савол – босма воситаларни ишлаб чиқаришида техника ва технологиялар ривожи.

Контактсиз Non Impact Printing ишлаб чиқариш тизимлариниг янада кенгайиши кутилмоқда (11-расм). Шу билан бир вақтда офсет босма усули ва унинг босма қолипи этакчилик ҳолатини сақлаб қолади.



**11-расм. Босма ва электрон ахборот воситаларининг бозорда тақсимланиши ва ўсишининг прогнози**

Ахборот воситаларининг умумий бозорида босма воситаларининг нисбий улуши камайгани билан, уларга бўлган мутлоқ эҳтиёж ошиб бормоқда. Ўрамлар, газеталар, журналлар, шунингдек, реклама босмаси соҳасида ишлаб чиқаришнинг сезиларли ўсиши кутилмоқда. Китоб бозори учун пессимитик ҳолда талабнинг бир оз пасайиши ёки стагнация кутилмоқда.

Нашриёт ва босмахоналар учун ҳам босма, ҳам электрон ахборот воситаларига бўлган эҳтиёжнинг ўсиши ишлаб чиқариш икки хил турдаги медиани тайёрлашга мослашиши, уларни тайёрлашнинг рақамли технологияларидан фойдаланиши мумкинлигини англаради.

Ишлаб чиқарувчилар кўп ададли маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун «Компьютер – босма қолип» тизимига асосланган технологиялардан, автоматлаштиришнинг услугу ва воситаларидан янада кенг фойдаланадилар. Бир вақтнинг ўзида кичик ададлар ва персоналлаштирилган маҳсулотларнинг («Талаб бўйича босиш») бир неча нусхалари учун kontaktsiz босма (Non Impact Printing) техникаси асосидаги тизимлардан ҳам кенг фойдаланилади.

11-расмда «Нашриёт уйи» (House of Publishing) тасвирланган. Расмдан кўриниб турибдики, келажакда доимий равишда барча босмахоналар рақамли технологиялар асосида фаолият кўрсатади ва буюртмачиларга бозор талабидан келиб чиқсан ҳолда ҳам босма, ҳам электрон медиа хизматлари кўрсатилади. 11-расмдан кўриниб турибдики, «Нашриёт уйи» (Informations-Publisher) да премедиа соҳасига, яъни мазмун ва безатилиш соҳасига эътибор кучайтирилади.

## **Матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришида принтмедиа технологиялар**

Босма ва электрон ахборот воситаларини ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш тизимларининг аппаратли ва дастурий таъминотлари хужжатларни рақамли усулда тайёрлашга мослашиб бормоқда. Рақамли ишлаб чиқариш оқими (digitale Workflow) маҳсулотни тез, юқори сифатди ва тежамкор тарзда ишлаб чиқариш учун барча технологик босқичларнинг бирлаштирилишини таъминлайди. Бунда босма, электрон ёки кроссмедиа (cross-mediale Produktion, Cross-Media-Publishing) вариантидан қайси бири тайёрланаётганлигининг аҳамияти йўқ. Маҳсулотларни сотишда локал ва глобал тармоқлардан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Улар маълумотларни муваффақиятли тарзда этказиб беришга асос яратади. Нашриёт уйи (House of Publishing) 11-расмга мувофиқ «битта том остида» босма ва электрон медиаларни кроссмедиали ишлаб чиқариш имкониятини кўрсатади. Бироқ, бундай турдаги корхоналар одатий ҳисобланмайди. Бугунги кунда, эҳтимол келажакда ҳам, мижозлар ва бозорнинг эҳтиёжларини қондиришда катта корхоналар билан бир қаторда, ўрта ва кичик корхоналар ҳам иштирок этади. Бозорда муваффақиятли фаолият кўсатиш ва жаҳон ҳамжамиятида бошқа корхоналар билан муваффақиятли алоқаларни ўрнатиш учун улар мақсадли тарзда ва ўз вақтида ишлаб чиқариш воситаларига сармоялар киритиб боришлири талаб қилинади.

Ҳозирги вақт «ахборот даври» тушунчаси билан тавсифланмоқда. Бу турли-туман коммуникация инновациялари, компьютер техникалари, дастурий воситаларни ишлаб чиқиши, тармоқлардан фойдаланиш ва ҳ.к. лар билан боғлиқ.

Рақамли маълумотлар, коммуникация технологиялари, рақамли босма усулларига эга «ахборот даври» бугунги кун билан тугалланмайди.

Кўп сонли сценарий ва прогнозлар босма ва электрон медиалар уйғунлигининг бузилиши, улардаги устуворлик жиҳатларининг йўқолишидан дарақ берәётланлиги йўқ. Аввалги йиллардаги босма ахборот воситаларининг жорий қилинишининг пасайишини кўзда тутувчи ва шунинг учун хато ҳисобланган баъзи прогнозларга яна бир бор эътибор қаратамиз:

- 1920 й.: радио босма ахборот воситаларининг ўрнини эгаллайди;
- 1950 й.: телевидение босма ахборот воситаларининг ўрнини эгаллайди;
- 1980 й.: компьютер босма ахборот воситаларининг ўрнини эгаллайди;
- 1990 й.: Интернет босма ахборот воситаларининг ўрнини эгаллайди.

## **Матбаа маҳсулотларини ишилаб чиқаришида принтмедиа технологиялар**

Бу прогнозларнинг барчаси янги пайдо бўлган технологияларнинг жозибадорлигига ва баъзида эски ахборот воситаларини алмаштириш истагига асосланган. Бунда бу прогнозларнинг бирортаси ўзини оқламади.

**Матбаанинг замонавий ҳолати ва ривожланиш тенденциялари.** Босма ахборот воситалари ҳозирги вақтда этакчи ҳисобланади ва яна узок вақт давомида шундай бўлиб қолади.

Уларга эҳтиёж катта ва улар жамият ривожи ва муваффақиятининг кафолати ҳисобланади. Улар электрон ахборот воситалари билан ўзаро боғлиқликда ва уйғунликда янги мультимедиали маҳсулотларнинг яратилишига хизмат қиласида ва бу соҳада янги имкониятларни очиб беради. Электрон ахборот воситалари умуман олганда, босма медиага бўлган талабни қўллаб-қувватлайди ва кенгайтиради, уни бозорнинг алоҳида сегментларидан сиқиб чиқармайди.

### **Назорат саволлари:**

1. Босиш жараёнининг келажагини қандай тасаввур қиласиз?
2. Контактли босма усулларига мисоллар келтиринг?
3. Контактсиз босма усулларига мисоллар келтиринг?
4. Электр-эрозияли усул тўғрисида гариринг?
5. Лазерли босма қурилмаларига мисоллар келтиринг?
6. Пуркашли босма қурилмаларига мисоллар келтиринг?
7. Пуркашли босма қурилмаларининг афзаллик ва камчиликлари?
8. Иссиқлик ёрдамида босиш қурилмаларига мисоллар келтиринг?
9. Босиш жараёнини автоматлаштириш технология ва ускуналар ривожининг босқичларитўғрисида гапиринг?
10. Босиш жараёнларини истиқболини қандай тасаввур қила оласиз?
11. Босиш жараёнини автоматлаштириш босқичлари?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Helmut Kipprian. Handbook of printmedia: Technologies and Production Methods. Germany, 2014
2. Wankhade, Dabade. Quality Uncertainty and Preceptionm. Germany, 2010, English
3. Claudia Mccue. Real World Print Production with Adobe Creative Cloud (Graphic & Visual Communication Courses) 1<sup>st</sup> Edition. USA, 2013
4. Dwight Pogue. Printmaking Revolution: New Advancements in Technology, Safety, and Sustainability. USA, 2012

## **IV.АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-амалий иш: Босиш ускуналари ҳаракатини бошқаришининг назарий асослари**

#### **Ишнинг мақсади**

Босиш ускуналари ҳаракатини бошқаришининг назарий асослари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш. “Heidelberg” фирмасининг текис офсет босма варақли ротацион босма ускуналарининг тузилиш принциплари ва технологик имкониятлари билан танишиш.

#### **Ишнинг таркиби**

2.1. Quickmaster 46-1; Quickmaster 46-2; GTO, Speedmaster SM 74-2Р босма ускуналари билан танишиш.

2.2. “Heidelberg” фирмаси варақли ротацион босма ускуналарининг тузилиш принциплари, асосий бўғинлари ва механизмлари билан танишиш.

#### **Умумий маълумотлар**

“Heidelberg” фирмаси томонидан ишлаб чиқариладиган замонавий варақли босма ускуналари технологик сиклининг барча жараёни автоматик тартибда бажаради: босиладиган материални узатиш, намловчи эритма ва боёқни узатиш, нусхаларни қуритиш, уларни чиқариш, қўшимча ишлов бериш ва қабул қилиш. Бир қатор ускуналарда тайёрлов-якуний ишларнинг ҳам бир қисми автоматлаштирилган: маълум ўлчамга созлаш, маълум қолип учун намловчи эритма ва боёқ узатишни созлаш, босма қолипни ўрнатиш, босма аппаратини ювиш ва б.

“Heidelberg” фирмаси ҳозирги вақтда варақли босма ускуналарининг бир қатор серияларини ишлаб чиқаради (бирдан саккиз боёклигача): QM 46, QM DI 46, GTO 52, S-Ofset, Speedmaster SM 52, Speedmaster SM 74, Speedmaster SM 102 ва Speedmaster CD 102.

Барча ускуналарни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

Бир боёқли ҳамда қофознинг бир томонига босувчи ва икки томонига босувчи кўп боёқли ускуналар;

Конвертацияланадиган босма ускуналари, улар кўп боёқли маҳсулотларни варақнинг бир томонида босиш ҳамда ҳар икки томонида босиш учун ишлатилади.

Барча кўп боёқли ускуналар секцияли типда қурилган бўлиб, варақлар бир секциядан иккинчисига учта цилиндр ёрдамида узатилади.

## **Матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришида принтмедиа технологиялар**

S-Offset ва Speedmaster CD 102 ускуналарида эса битта цилиндр ёрдамида узатилади.

Ускуналарнинг босма аппарати асосан уч цилиндрли принципда тузилади. Цилиндрларнинг диаметри бир хил ( $D_q=D_o=D_b$ ). QM 46-2 ускунасида эса бошқача (босма аппарати тўрт цилиндрли принципда тузилган – бир хил диаметрдаги иккита қолип, битта офсет ва битта босма цилин드리); QM 46-4 ускунасида босма аппарати планетар принципда тузилган, диаметрларнинг нисбати  $D_q:D_o:D_b=1:1:4$ ; Speedmaster CD 102 да битта босма аппарати уч цилиндрли принципда тузилган, диаметрларнинг нисбати  $D_q:D_o:D_b=1:1:2$ . Босма цилиндрининг диаметри катталашганда улар бир неча қисқичлар тизими билан жиҳозланади, тегишли равишда тўртта ва иккита.

Quickmaster серияли ускуналар (максимал ўлчам  $46 \times 34$  см, иш унумдорлиги – 10000 вар. нусха/соат) бир ва икки боёқли вариантларда тайёрланади. Икки боёқли ускунада иккала боёқ ҳам битта резина матосига ва кейин қоғозга берилади. Босиладиган босма қоғозларнинг қалинлиги

40 г/м<sup>2</sup> дан 300 г/м<sup>2</sup> гача. Ускунада микропроцессорли бошқарув тизими мавжуд. Бу тизим ёрдамида ускунанинг асосий иш жараёнлари созланади:

Ускунанинг ҳимоя қурилмалари ва хизмат кўрсатиш тизимини автоматик назорат қилиш;

- Боёқ ва намлаш аппаратларини, босим механизми ва резина матосини ювиш қурилмасини пневматик созлаш;
- Босма қолипини автоматик алмаштириш;
- Ускуна ишлайдиган вақтда боёқларни мослаштириш;
- Ускунанинг асосий бўғинларини автоматик ташҳислаш;
- Ускунани қўшимча агрегатлар билан улаш имконияти.

“Heidelberg” фирмаси Quickmaster DI сериясида планетар тузилишдаги QM DI 46-4 (максимал ўлчам  $46 \times 34$  см, иш унумдорлиги 10000 вар. нусха/соат) тўрт боёқли ускунани ишлаб чиқаради. У кўп боёқли кам ададли (5000 нусхагача) маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган. QM DI оддий босма қолип асосида рақамли босма усулидаги ускуна ҳисобланади (Computer-to-press). Босма қолипига ахборотни ёзиш 16 та инфрақизил лазер диодлари ёрдамида амалга оширилади. Қолип цилиндридаги кадрлар заҳираси 35 та қолипга етади. Босиш намлашсиз амалга оширилади. QM DI нинг барча функциялари ускунани рақамли бошқариш тизими CR Tronic ёрдамида амалга оширилади ва назорат қилинади.

## **Матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришида принтмедиа технологиялар**

GTO 52 (максимал ўлчам 36x52 см, иш унумдорлиги 8000 вар. нусха/соат) сериясидаги ускуналар бир, икки ва тўрт боёкли бўлиши мумкин. Икки ва тўрт боёкли ускуналар варақ ўгириб берувчи қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши мумкин. GTO 52 босма ускуналарида намловчи эритмани узлуксиз узатадиган ва боёқ аппарати билан танланма алоқага эга янги турдаги намлаш аппарати қўлланилган. Янги намлаш аппаратининг ишлашида спирт қўшиб туриш шарт эмас ва маҳсус совитувчи қурилмалар талаб қилинмайди. Янги боёқ қутиси боёқ узатишни тез ва аниқ созлашни таъминлайди. Консол йўлкаларга тақсимланган боёқ пичоги шкаласи ричагчалар ва 16 та маҳаллий винтлар ёрдамида боёқни нозик созлашни таъминлайди. GTO 52 сериясидаги ускуналар нумерлаш, тешиш, қўшимча боёқда босиш, чизиқлаш ҳамда чапланишга қарши куқунни танлаб пуркайдиган қурилма билан жиҳозланиши мумкин.

S-Ofset сериясидаги ускуналар маҳсулотларни бир ва икки боёқда босишга мўлжалланган. Улар иккита ўлчамда бўлиши мумкин: 52x74 см (SORM ва SORMZ) ва 72x102 см (SORS ва SORSZ). Ускуналарнинг иш унумдорлиги – 12000 вар. нусха/соат. S-Ofset сериясидаги ускуналарнинг стандарт жиҳозланиши:

- Самонакладнинг янги пневмобошчаси;
- Ёндан текислашни электрон назорат қилиш;
- Асосий юритма ва намловчи аппарат редуктори юритмасининг янги қисмлари;
- Ён томондан ва айлана бойлаб боёқ мослаштиришни созлаш;
- “Super Blue” чиқариш барабани;
- “Grafix Junior” куқунли чапланишга қарши аппарати;
- Ускуна ишлаётган вақтда стапелни автоматик алмаштириш панжараси;
- Янги эргономик дизайн.

Спээмастер сериясида ҳозирги вақтда қуйидаги ускуналар мавжуд: SM 52, SM 74, SM 102 ва CD 102, яъни “Heidelberg” фирмаси томонидан ишлаб чиқариладиган барча ўлчамдаги ускуналарни қамраб олади. Ушбу сериядаги ускуналарнинг алоҳида бўғин ва механизмларининг такомиллаштирилиши уларнинг иш унумдорлиги ва автоматлаштирилганлик даражасини ошириш ва чиқариладиган маҳсулотнинг юқори сифатини таъминлашга имкон берди. CD 102 ускунаси қофоз ва картонда бир томонлама босишга мўлжалланган.

## **Матбаа маҳсулотларини ишилаб чиқаришида принтмедиа технологиялар**

Сериянинг бошқа ускуналари битта прогонда икки томонлама босишига осон созланади.

Спээмастер босма ускуналарининг ҳар бир серияси юқори автоматлаштирилганлик даражасига эга. Ускуналарни рақамли бошқариш техникаси барча автоматлаштириш модулларини битта умумий тизимга бирлаштиради. Спээмастер босма ускуналарини автоматлаштириш асосини СРС ва СР Tronic ташкил қилади. СР Tronic тизими бутун ускуна самонакладини, босма бўлимларини, лаклаш тизими, чиқариш қурилмаси ва ёрдамчи қурилмаларни бошқаради ва назорат қилади. Плазмали дисплей ёрдамида босма ускуна функцияларини назорат қилиш ва созлаш мумкин. SPS тизими боёқ узатиш, боёқларни мослаштириш ва босма маҳсулот сифатини назорат қилишни масофадан бошқаришни таъминлайди.

SM 52 ускунаси (максимал ўлчам 37x52 см, иш унумдорлиги 15000 вар. нусха/соат). Speedmaster техникаси сифатини GTO ихчамлиги билан уйғунлаштирган. Ускуна янгидан лойиҳаланган тўртта суртиш валигига эга кучли боёқ аппарати билан жиҳозланган, берилган ўлчамга автоматик созланади, олд ва ён таянчлар масофадан бошқарилади, дастурли бошқариладиган автоматик ювиш қурилмалари ва Autoplate қолип алмаштириш тизимига эга, барча йўналишларда боёқ мослаштириш масофадан бошқарилади, шунингдек, босим механизми ҳам масофадан бошқарилади. Ускуна нумерлаш ва тешиш қурилмалари билан жиҳозланиши мумкин. Ускунага олтитагача босма секциялари уланиши мумкин.

SM 74 сериясидаги босма ускуналар (максимал ўлчам 52x74 см, иш унумдорлиги 15000 вар. нусха/соат) ўртача ўлчамда универсаллик, рентабеллик ва сифат бойича акцидент босма талабларига жавоб беради. Ускуналар стандарт жиҳозланишга эга. Ускуналар лаклаш ва қуритиш қурилмалари билан жиҳозланиши мумкин, уларни бошқариш автоматик тартибда амалга оширилади (масалан, лакни ювиб ташлаш, лаклаш учун қолипни мослаштириш ва б.). Ускуналар Autoregister тўлиқ автоматлаштирилган мослаштириш тизими билан жиҳозланиши мумкин.

Катта ўлчамдаги Speedmaster босма ускуналари серияси SM 102 (максимал ўлчами 72x102 см, иш унумдорлиги 13000 вар. нусха/соат) ва DI SM 102 (максимал ўлчам 72x102 см, иш унумдорлиги 15000 вар. нусха/соат) дан ташкил топган. SM 102 – бу акцидент маҳсулотлар учун икки томонлама босишига мўлжалланган ускунадир. DI SM 102 – қофоз ва картонда бир томонлама босадиган универсал ускунадир. У акцидент

## **Матбаа маҳсулотларини ишилаб чиқаришида принтмедиа технологиялар**

босма, этикетка маҳсулотларини ва ўраш-қадоқлаш маҳсулотларини босишга мўлжалланган. Ускуналарда қуйидагилар қўлланилади:

- **Preset** – берилган ўлчамга автоматик созланадиган самонаклад;
- **Автоматик ювиш воситалари** (офсет ва босма цилиндрини, боёқ аппаратини ювиш);
  - **Autoplate** босма қолипларини автоматик ўрнатиш;
  - **Созлаш ва ададни босишида қолип мослаштиришни тўлик** автоматик назорат қилиш ва амалга ошириш;
  - **Spirsiz** босма учун **Aquacolor** пленкали намлаш қурилмаси;
  - Доғларсиз (марашкаларсиз) босиши учун **Variosystem** қурилмаси;
  - **Электроника ва гидравлика** ёрдамида созланадиган варақ ўгириб берувчи қурилма, ўгириш жараёнида варақ ҳаво пуркаб йўналтирилади;
  - Тўғридан-тўғри **CPC** бошқариладиган лаклаш тизими, маҳсус лаклаш учун ракели тизим;
  - **IQ нурлантирувчилар** ва иссиқ ҳаво узатиш асосидаги қуритиш қурилмалари;
  - **Нусхани чаплантирмасдан ҳаракатлантирувчи** ҳаво пуркашли чиқариш қурилмаси.

### **4. Вазифа**

4.1. “Heidelberg” фирмаси варақли ротацион босма ускуналарининг тузилиш тизмаларини чизиш (реал ускуна ва палакатлар бойича).

4.2. Қуйидаги ускуналарнинг принципиал-технологик тизмаларини чизиш: QM 46-1, QM 46-2, GTO, SM 74-2.

4.3. Ускунанинг қўйидаги механизмлари принципиал тизмаларини ўрганиш, баён қилиш ва тасвирлаш (ўқитувчининг қўрсатмаси бойича):

- Варақ билан таъминлаш қурилмаси;
- Варақ билан таъминлаш тизимининг назорат-тўхтатиб қойиш қурилмалари;
- Варақни текислаш механизми;
- Тасмали пневмотранспортер;
- Варақ тезлатувчи қурилма;
- Намлаш аппарати;
- Боёқ аппарати;
- Босма қолипларини ўрнатиш қурилмаси;
- Офсет резинасини ювиш қурилмаси;
- Автоматик боёқ узатиш ва мослаштириш қурилмаси;
- Босим механизми;

- Варақ узатувчи қурилма;
- Варақ чиқариш қурилмаси;
- Қабул қурилмаси.

### **Иш бажариш услуби**

1. Талабаларга якка тартибда вазифа берилади.
2. Босма ускуналари билан танишиш ва уларнинг тузилиш ҳамда принципиал-технологик тизмаларини чизиш.
3. Босма ускуналари алоҳида механизм ва қурилмаларининг иши билан танишиш ва аниқ тегишли вазифани бажариш.

### **Ускуналар**

1. QM 46-1, QM 46-2, GTO ва SM 74-2 босма ускуналари ҳамда “Heidelberg” босма ускуналари плакатлари.

### **Ҳисобот таркиби**

1. Босма ускунанинг тузилиш тизмалари.
2. Ускуналарнинг принципиал-технологик тизмалари.
3. Ускуна бўғинларининг ишлашини баён қилиш.
4. Ўқитувчининг кўрсатмаси бойича саволларга ёзма жавоблар.

### **Назорат саволлари**

1. “Heidelberg” фирмаси қўп боёкли ротацион варақли босма ускуналарининг тузилиш принциплари?
2. “Heidelberg” фирмаси қандай турдаги варақли босма ускуналарини ишилаб чиқаради?
3. “Heidelberg” фирмасининг турли хилдаги варақли босма ускуналари қандай босма маҳсулотларни босишига мўлжалланган?
4. Босма ускуналарининг автоматлаштирилганлик даражаси қандай?
5. CP Tronic ва CPC тизимларининг моҳияти нимадан иборат?
6. Кўриб чиқилаётган ускуна моделларида қандай турдаги варақ билан таъминларш тизимлари қўлланилади?
7. Ўрганилаётган ускуналардаги олд ва ён томондан текислаш механизmlарининг ҳаракат принципи.
8. Ўрганилаётган ускуналарда қандай турдаги варақ тезлатувчи механизmlар қўлланилади?
9. Ускунанинг варақ билан таъминлаш тизимида қандай турдаги назорат-тўхтатиб қойиш қурилмалари қўлланилади?

## **Матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришида принтмедиа технологиялар**

10. Ўрганилаётган ускуналарда қандай турдаги намлаш қурилмалари қўлланилади?
11. “Heidelberg” фирмаси ускуналарида қандай буёқ аппаратлари қўлланилади?
12. Кўриб чиқилаётган ускуналарда қандай турдаги варақ узатувчи қурилмалар қўлланилади?
13. “Heidelberg” фирмаси варакли ротацион ускуналарининг босма аппаратларининг тузилиш принципи.
14. Варақ ўгирувчи қурилмаларнинг ишлаш принципи.
15. Кўриб чиқилаётган ускуналарда қандай турдаги ювиш қурилмаларидан фойдаланилади?
16. Кўриб чиқилаётган ускуналарда қандай турдаги чиқариш қурилмалари қўлланилади ва уларнинг хусусиятлари?
17. Ўрганилган ускунада қандай қуритиш ва лаклаш қурилмалари қўлланилади?

### **2-амалий иш: Варақли ускуналар секциясида босиш қурилмаси ҳаракатини ташкил этишининг назарий асослари**

#### **Ишнинг мақсади**

Варақларни навбатма-навбат узатадиган варақ ўтказиш тизими бўғинларининг тузилиши, сиклограммаси ва тузилиш принципини ўрганиш.

#### **Ишнинг таркиби**

1. Варақ узатиш тизимининг ишлаш принципи, тузилиши ва унинг механизмларини созлаш билан танишиш.
2. Механизмларнинг принципиал тизмаларини чизиш.
3. Варақ ўтказиш тизимининг амалдаги циклограммасини аниқлаш.
4. Механизмлар ва созлаш мосламаларининг кинематик тизмаларини тузиши.

#### **Умумий маълумотлар**

Варақ узатиш тизими варақларни босма аппаратига аниқ ва ишончли ўтказиш, варақнинг босиш вақтидаги барқарорлигини таъминлаш, уни варақ чиқариш қурилмасига ишончли узатиш ва қабул staple столига жойлаштиришга мўлжалланган.

Тахламдаги варақни орқа чеккасидан ажратиб каскадли узатишдан фарқли равишда, навбатма-навбат узатишда варақлар сўрғичлар ёрдамида

## **Матбаа маҳсулотларини ишилаб чиқаришида принтмедиа технологиялар**

олд чеккасидан ажратилади. Ажратишнинг бу усули ишончлироқ, чунки варақ ажратишида тортилади ва шу сабабли унинг «гармошка» бўлиб букланиб қолиш хавфи йўқ. Бироқ варақни текислаш шароити ёмонлашади, чунки варақларнинг таянчларда текисланиш вақти қисқаради. Шунинг учун навбатма-навбат узатиш ўрта ва катта ўлчамли юқори иш унумдорлигига эга ускуналарда қўлланилмайди.

Варақ олд таянчларга урилганда варақ орқага сакрайди, тасмалар уни яна таянчларга тирайди. Таянчлар олдида варақнинг тезлашиш жараёни

0,04 с давом этади, шундан сўнг ёндан текислаш механизми варақни ён таянчга текислашни бошлайди. Кичик ўлчамли ускуналарнинг кўплаб моделларида варақни тезлатиш механизми мавжуд бўлмайди. Олд ва ён таянчларда текисланган варақ айланәётган босма цилиндри қисқичларида қисилади, унинг айланма тезлигига эришади, босма контакти майдонидан ўтади ва чиқариш транспортери қисқичларига узатилади.

Бундай тизимнинг меёрида ишлиши учун варақ қисиб олиниши олдидан олд ва ён таянчларда текисланган бўлиши, ён таянч ролиги кўтарилиган бўлиши, олд таянчлар эса варақнинг ҳаракатланиш траекториясидан кетган бўлиши керак. Босма цилиндрида қисиб олинган варақнинг орқа чеккаси қойиш столидан кетганидан кейингина олд таянчлар яна текислаш ҳолатига қайтади. Босиша қофоз варағи офсет цилиндри юзасидаги боёққа ёпишади, бунда варақни босма цилиндри қисқичларидан тортувчи куч пайдо бўлади. Варақни занжирили транспортерга узатишда босма цилиндри қисқичлари занжирили транспортер қисқичлари ёпилишидан олдин очилмаслиги керак, акс ҳолда бу кучлар босма цилиндридан варақнинг чеккасини узуб юборади.

### **Вазифа**

1. Кичик офсет ускунасини қўлда айлантириб варақнинг самонакладдан қабул қилиш стапел столигача бўлган ҳаракатини кузатиш, бу ҳаракатнинг асосий босқичларини аниқлаш.

2. Варақ ўтказиш тизимининг принципиал тизмасини тузиш ва унда самонаклад ва қабул қурилмасининг стапел столлари, сўрғичлар, олд таянчлар, ёндан текислаш ролиги, босма цилиндри ва занжирили трансопртер қисқичлари, қабул қурилмаси таянчлари ва текислагичларни кўрсатиш.

3. Босма цилиндри қисқичи механизмининг кинематик тизмасини қуриш.

## **Матбаа маҳсулотларини ишилаб чиқаришида принтмедиа технологиялар**

4. Занжирли транспортер қисқичлари механизмининг кинематик тизмасини қуриш.
5. Олд таянчлар механизмининг кинематик тизмасини тузиш.
6. Ёндан текислаш механизмининг кинематик тизмасини тузиш.
7. Варақ ўтказиш тизими асосий механизмлари циклограммасини қуриш ва унда қуидаги нұқталарни белгилаш:
  - самонаклад стапели ва қойиш столи устида сүрғичларнинг пасайиши ва күтарилиши;
  - олд таянчларнинг текислаш чизигига яқынлашиши;
  - ёндан текислаш ролигининг пасайиши ва күтарилиши;
  - босма цилиндрининг варақни қисиб олиши;
  - занжирли транспортер қисқичларининг ёпилиши ва очилиши;
  - босма цилиндри қисқичларининг очилиши;
  - максимал ўлчамли варақнинг орт чеккаси текислаш чизиги ва босма майдони орқали ўтиши.
8. Ускунанинг техник тавсифидан фойдаланиб, босма цилин드리 қисқичларининг созланишини текшириш.

### **Иш бажариш услуги**

Иш ҳажми үқитувчи томонидан ҳар бир талаба учун якка тартибда белгиланади.

Кинематик тизмаларни қуриш учун ускунадан тўсиқлар ечилади, бу ҳолда ускуна фақат қўлда айлантирилади. Ускунадан фойдаланиш йўриқномасига киритилган чизмалардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Сиклограмма ускунанинг бир айланишли вали буралиш бурчаги бойича қурилади. Ҳисоб боши сифатида варақнинг босма цилинтри қисқичларида қисишиш моменти қабул қилинади. Босма цилинтри қисқичларининг очилиш моментини аниқлаш учун қойиш столига бутун варақ эмас, балки эни 2-3 см ва узунлиги 35 см бўлган қофоз тасмаси жойланади. У босма цилиндрининг битта қисқичида шундай қисиб олинадики у занжирли транспортер қисқичига тушмасин. Эркин турган иккинчи томонини тортиб, унинг қойиб юборилиш моменти аниқланади.

### **Ускуна ва қурилмалар**

1. Кичик оффсет босма ускунаси.
2. Ускунанинг бир айланишли валида сиклограмма доираси.

### **Ҳисобот таркиби**

1. Варақнинг ҳаракатланиши принципиал тизмаси, бўғинларнинг кинематик тизмалари.

### **Назорат саволлари**

1. Ускунанинг максимал иш тезлигига олд томонидан текислаш вақти қандай, у етарлими?

2. Олд томонидан текислаш ва ёндан томондан текислаш сиклининг қандай улушкини эгаллайди?

3. Ён томонидан текислаш ролиги варақقا босилиб турган ҳам босма цилиндри қисқичларида варакни қисиб олиш мумкинми?

4. Олд таянчларнинг текислаш чизигидан кетиши моменти қандай созланади?

5. Варақни босма цилиндри ва занжирли транспортер қисқичларида биргаликда бўлишининг тавсия қилинадиган бурчаги қандай, уни қандай созлаш керак?

6. Босма цилиндри қисқичлари қандай тўғри созланади?

7. Олд таянчларнинг текислаш чизигига келиш ва бу чизикдан кетиши моментида қандай чекловлар қойилади?

### **3-амалий иш: Рулонли ускуналарнинг бошқарув тизимлари**

#### **Ишнинг мақсади**

Босмахоналардан бирида мавжуд ускуналар мисолида замонавий маҳаллий ва хорижий рулонли ротацион ускуналари, уларнинг тузилиш принциплари ва технологик имкониятлари билан танишиш.

#### **Ишнинг таркиби**

1. Рулонли ротацион ускуналарнинг тузилиш принциплари ва асосий бўғинларини жойлашиши билан танишиш.

2. Ускуналарнинг вазифасини аниқлаш (маҳсулот тури, рангдорлик варианtlари, ҳажм, маҳсулотнинг оптимал адади ва х.).

3. Ҳаракатдаги ускунада асосий бўғин ва ижрочи механизmlарнинг тузилиш хусусиятларини ўрганиш.

4. Турли моделдаги ускуналарда вазифаси бир хил бўлган механизм ва бўғинларни таққослаш ва уларнинг камчилик ва афзаллик томонларини баҳолаш.

### **Умумий маълумотлар**

Рулонли ротацион ускуналар барча босма ускуналар ичидаги энг тезкори ҳисобланади, чунки уларда доимий юқори тезликда ишловчи ротацион босма аппарати қўлланилган. Босим эса узлуксиз тасмали материалда бажарилади, натижада ускунанинг иш сиклидан ва босма цилиндри юзасидан тўлиқ фойдаланилади. Рулонли ротацион ускуналар ўлчами ва вазифаси турлича бўлган бир ва кўп боёқли маҳсулотларни босишига мўлжалланган.

Рулонли ротацион ускуналар вазифаси бойича китоб-журнал, газета ва маҳсус турларга, асосий бўғинларнинг ўзаро жойлашуви бойича-планетар (барча қурилмалар битта сатҳда жойлашади) ва балконли (тасма билан таъминлаш қурилмалари бинонинг паски қаватида жойлашади) турларга (босма секциялари бир ва кўп ярусли бўлиб жойлашиши мумкин); тасмаларида бир вақтда босиши амалга ошириладиган рулонлар сони бойича бир, икки ва кўп рулонли ускуналарга; рулоннинг эни бойича бир энли, икки энли ва кенгайтирилган энли ускуна турларига бўлинади.

Рулонли ротацион ускуналардан фойдаланиш 20 мингдан юқори ададларда рентабеллик бўлади, шунинг учун бизда ва хорижда бундай ускуналардан фойдаланиш кенгаймоқда.

Текис офсет босма ускуналари кенг тарқалган, чукур ва флексографик юқори босма ускуналари ҳам ривожланмоқда.

Бир энликдаги тасмада босувчи барча босма усувлари китоб-журнал ускуналари бир ёки икки рулонли планетар тузилишда бўлади. Катта ўлчамли кўп рулонли ва кўп боёқли тезкор ускуналар ҳам партерли ҳам балконли тузилишда бўлиши мумкин. Балконли турдаги ускуналар кўп ҳолларда газета ва кўп боёқли журналларни босиши учун қўлланилади. Балконли турдаги текис офсет босма китоб-журнал ускуналари берилган ўлчам, ҳажм ва рангдорликдаги аниқ нашрларни босиши учун буюртма бойича тайёрланади ва йирик босмахоналарга ўрнатиласди.

Газета ротацион ускуналарининг тузилиш принципи газетанинг адади ва ҳажмига боғлиқ бўлади. Адади 200-300 минг нусхагача бўлган кам ҳажмли (4, 6 ва 8 бетли) газеталарни босиши учун планетар тузилишли бир ёки икки планетар тузилишли ускуналардан фойдаланилади. Бир ва кўп боёқли катта адад ва ҳажмли газеталарни босиши учун балконли турдаги икки ёки уч энликдаги кўп рулонли агрегатлардан фойдаланилади.

Текис офсет босма китоб-журнал ва газета ротация ускуналарида 1+1 рангдорликдаги маҳсулотларни босиши учун тўрт цилиндрли босма

## **Матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришида принтмедиа технологиялар**

аппарати тизмасидан фойдаланилади. У бир хил ёки каррали диаметрли иккита қолип ва иккита оғсет цилиндрларидан ташкил топади.

Текис оғсет босма китоб-журнал ускуналарида қўп боёкли нусхалар олиш учун тўрт цилиндрли босма секцияларини агрегатлаштириш, шунингдек, планетар тузилишдаги уч цилиндрли ва беш цилиндрли босма қурилма тузилишларидан фойдаланилади.

Рулонли ротацион ускуналарни одатда, ишлаб чиқарувчи битта модел бир неча модификацияларда тайёрланади. Модификациялар рулон қурилмалари ва босма бўлимлари сони, буклаш аппаратлари, қуритиш ва қабул қилиш-пресслаш қурилмаларининг мавжудлиги ва тури билан фарқланади.

Оғсет босма рулонли ускуналари техник имкониятлари ва автоматлаштирилганлик даражаси бойича икки гурухга ажратилиши мумкин:

- юқори сифатли маҳсулот босишга мўлжалланган, юқори даражада автоматлаштирилган ва қуритиш қурилмаларига эга ускуналар;
- 1-2 боёқда босишга мўлжалланган ва қуритиш қурилмаларисиз ёки содда қуритиш қурилмалари билан ишловчи тузилиши соддароқ ускуналар.

Рулонли ускуналарда газли ва инфрақизил (ИК) қуритиш қурилмаларидан кенг фойдаланилади. Инфрақизил - қуритиш қурилмалари юзаси силлиқ бўлмаган қофзда бир-икки боёқда маҳсулот босишга мўлжалланган ускуналарда қўлланилади. Чуқур босма ускуналарида ҳаво электрда қиздириладиган конвективли қуритиш қурилмаларидан фойдаланилади.

Қуритиш қурилмасининг жойлашиши ускунанинг тузилиш шаклига боғлиқ. Планетар тузилишдаги секцияли турдаги ускуналарда қўп боёкли босмада қуритиш қурилмаси охирги босма секцияси ва буклаш-қирқиши аппарати орасига ўрнатилади. Планетар босма секцияларга эга балконли турдаги ускуналарда қуритиш қурилмаси босма секциялари орасида тепада жойлашади. Чуқур босма ускуналарида қуритиш қурилмаси ҳар бир босма секциясига ўрнатилади.

Ускуналарни автоматик қурилмалар билан жиҳозлаш ускунани босмага тайёрлаш вақтини қисқартириш, тўхтаб туришлар вақтини камайтириш ва босиш жараёнидаги чиқиндини камайтириш ҳисобига амалдаги иш унумдорлигини оширишга имкон беради.

Рулонли қўп боёкли ускуналар қўп ҳолларда микропроцессор техникасига асосланган қурилмаларга эга бўлади. Ускунанинг

## ***Матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришида принтмедиа технологиялар***

автоматлаштирилганлик даражаси унинг технологик вазифаси билан аниқланади.

Биринчи навбатда қуйидаги жараёнлар автоматлаштирилади:

- рулонларни алмаштириш ва автоелимлаш;
- қолипларни алмаштириш;
- боёқ ва намлаш аппаратларини созлаш;
- тасма таранглигини бошқариш
- боёқларни бир-бирига мослаштириш;
- ишлаб чиқариш кўрсаткичларини назорат қилиш ва ҳисоблаш;
- боёқлари яхши мослашмаган нушаларни яроқсизга чиқариш ва уларни ҳисоблаш.

Кўпинча ярусли секцияли ва балконли тузилишдаги ускуналарда рулон алмаштиришни бошқариш ва боёқларни мослаштириш тизимлари кенг тарқалган. Кўп боёқли ускуналарда марказий бошқарув тизимлари кенг жорий қилинмоқда. Асосий қурилмалар таркиби: тасма билан таъминловчи (TTQ), босма секциялари (BS), унда босма ( $B_0A$ ), боёқ (BA) ва намлаш (NA) аппаратлари мавжуд бўлади; тасма ўтказиш тизими ( $T_aO \cdot tT$ ), буклаш аппарати (BukA) ва қабул қилиш-чиқариш қурилмалари (QQChq)-улар ускунанинг вазифасига, босиш тезлигига, рангдорлигига ва босиш усулига боғлиқ бўлади.

### **Вазифа**

1. Чоп этиш боғлимида мавжуд ускуналар ишини кузатиш.
2. Ўқитувчининг кўрсатмаси бойича рулонли босма ускунанинг тузилиш-принципial тизмаларини чизиш.
3. Ускуналардан бирининг соддалаштирилган принципиал-технологик тизмасини чизиш.
4. Асосий синфлаш аломатлари бойича ускуналарга солиштирма тавсифнома бериш: рулонлар сони, асосий бўғинларининг жойлашиши, босма аппаратларининг тузилиш принципи, рангдорлик, босма усули.
5. Ускунанинг вазифасини аниқлаш ва унинг қисқача техникик-тесорий тавсифномасини келтириш: иш тезлиги, рулоннинг эни, букланган дафтарларининг шакли ва ҳажми, маҳсулотнинг рангдорлик вариантлари.
6. Ускунанинг йиллик ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблаш.

### **Иш бажариш услуби**

1. Аввало, босма бўлимидаги мавжуд барча ускуналар билан танишиш, уларнинг ишини кузатиш ва айни вақтда уларда босилаётган маҳсулотларнинг тавсифи билан танишиш керак.
2. Тузилиш тизмасини чизиш ва унда асосий бўғин ва барча босма секцияларини кўрсатиш.
3. Ҳар бир босма секцияси тизмасини чизиш ва унда босма аппаратнинг барча цилиндрларини ҳамда боёқ ва намлаш аппаратларининг жойлашиш ўрнини кўрсатиш.
4. Соддалаштирилган принципиал-технологик тизмани чизишга киришиш. Қоғоз тасмасини ўтказиш тизимини чизиш ва тасмани таранглигини таъминлаш ва босмани мослаштириш қурилмаларига асосий эътибор қаратиш.
5. Тизмаларни чизганда керакли белгилашларни қойиш ва қисқача тушунтиришлар келтириш керак.

### **Ускуна ва қурилмалар**

1. Рулонли босма ускуналар.
2. Ўлчов чизғичи ёки рулетка.

### **Хисобот таркиби**

Хисоботга рулонли босма ускуналарига солиштирма тавсифнома бериш: рулонлар сони, асосий бўғинларининг жойлашиши, босма аппаратларининг тузилиш принципи, рангдорлик, босма усули бойича тўпланган жавоблар киритилади.

### **Назорат саволлари**

1. Рулонли ротацион ускуналарнинг афзаллик ва камчиликларини кўрсатинг?
2. Қандай ҳолларда кўп рулонли ускуналардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ?
3. Рулонли ускуналарнинг асосий бўғинлари қандай принциплар бойича жойлаштириллади?
4. Тасма билан таъминлаш қурилмаси қандай вазифани бажаради ва унинг таркиби қандай?
5. Кўп боёкли ускуналарда боёқларни мослаштириш қандай бажарилади?
6. Автоелимлаш қурилмасининг иш принципини ифодаланг.
7. Рулонли ускуналар боёқ аппаратларининг ўзига хослиги қандай?

## **Матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришида принтмедиа технологиялар**

8. Ускунани ишлатиш тезлиги қандай омилларга боғлиқ?
9. Ускунани технологик баҳолаш кўрсаткичлари қандай?
10. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати қандай бирликларда ҳисобланади?

### **4-амалий машғулот: Рақамли босма ускунаси ва ризографда нусха олиш.**

#### **Ишдан мақсад**

Контакциз босма ускунаси ва ризографнинг назарий асоси, уларда нусха олиш жараёни ва олинган нусхаларниг сифатини назорат қилишининг замонавий усул ва воситалари билан танишиш.

#### **Масаланинг қўйилиши**

1. Canon imageRUNNER ADVANCE C7280i рақамли босма ускунасини ўрганиш.
2. Riso SE 9380 ризографининг тузилиши ва ишлаш принципини ўрганиш.

#### **Ишни бажариш учун намуна:**



**Canon imageRUNNER ADVANCE C7280i рақамли босма ускунаси**

Бу ускуна мини босмахона ёки катта идоралар учун юқори унумдорликдаги босма тизими ҳисобланади, тахминан 70 саҳифа/дақиқа тезликни таъминлайди, юқори сифатли маҳсулот чиқаргани ҳолда атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмайди.

#### **Афзаликлари**

Босиш тезлиги: оқ-қора режимда 80 нусха/дақиқа ва рангли режимда 70 нусха/дақиқа.

SVGA 21,3 см ли рангли сенсорли панели.

## ***Матбаа маҳсулотларини ишилаб чиқаришида принтмедиа технологиялар***

Canon ёки EFI Fiery асосидаги контроллерларни танлаш имконияти.

